



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Ички ишлар вазирлиги Молния ва моддий-техника таъминоти департаменти томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш юзасидан доимий харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сон Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон Қарорига мувофиқ Вазирлик Молния ва моддий-техника таъминоти департаменти (кейинги ўринларда Департамент) томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишга йўналтириладиган давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Департамент томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш юзасидан доимий харид комиссия (кейинги ўринда – Комиссия) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комиссияларга:

товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги инзомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи асосида амалга оширилиши;

товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилиниши асосларини ва мақсадга мувофиқлигини куриб чиқилиши;

зарур ҳолларда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилинишида йиғилишга мутахассис сифатида эксперт ва маслаҳат берувчи бошқа ташкилотларнинг вакилларини жалб қилиши;

Йиғилиш иштрокчиларнинг қарорлари баённома орқали расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

3. Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидлари бўйича ўтказиладиган танлов ишларини амалга оширишда шаффофлик ва очиклик тамойиллари асосида

Ўтказилиши учун шахсий жавобгарлик комиссия раиси ва аъзолари зиммасига юклатилсин.

4. Комиссия томонидан мансаб ваколатларини сунистеъмол қилиш, коррупция ҳолатлари ва қонунга зид бошқа қатти-ҳаракатлар содир этилишини ўз вақтида аниқлашда хуфёна ва ошқора текширувларни ўтказсин, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва профилактикасини амалга ошириш чораларини кўрсин.

5. Комиссиянинг йиғилиши ҳар ҳафтанинг пайшанба кунин Молия-иқтисод бошқармаси мажлислар залида ўтказилсин ва тўлиқ видеотасвирга қайд этиб борилсин.

6. Мазкур фармойиш тегишлилиги бўйича барча шахсий таркиб эътиборига етказилсин.

7. Ушбу фармойиш ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Вазир



П. Бобожонов

Тошкент шаҳри,
2021 йил "14" 03
55 - сон.

Ички ишлар вазирлигининг
2021 йил "___" ___ даги ___-сон
формойишига
ИЛОВА

Вазирлик Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти томонидан
товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш юзасидан

доимий харид комиссия

ТАРКИБИ

- Комиссия раиси:** Департамент бошлиғи подполковник Абиджанов
Абдугани Абдурахмонович
- Комиссия раиси
ўринбосари:** Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи
подполковник Абдурахмонов Иброхимжон
Отажонович
- Комиссия аъзолари:** Хўжалик бошқармаси бошлиғи полковник
Азим Шухрат Обид ўгли
- Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси
бошлиғи майор Умаров Афзал Акмалович
- Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғининг
ўринбосари подполковник Курбанов Шерзод
Шухратович
- Харид қилиш юзасидан танловда ташаббускор
бўлган бошқарманинг бошлиғи
- Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи подполковник
Хушвақтов Утқир Темирович
- Назорат тафтиш инспекцияси бўлиғи ўринбосари
подполковник Хамроев Жаҳонгир Абдуллоевич
- Комиссия котиби:** Харид қилиш юзасидан танловда ташаббускор
бўлган бошқарманинг бўлим ходими